







Кўз билан бошини яхши, Қобогини яхши,
Энг билан сўзини яхши, дўдоқини яхши,
Энг билан меккинни яхши, сакдоқини яхши,
Бир-бир ит дейин, бошини-оёгини яхши

8-МАРТ
ХАЛҚАРО
ХОТИН-
ҚИЗЛАР
КУНИ



Менинг Ўзбекистон — дивар ВАМАЖИМ!

АБДУВОҲИД ТУРАЕВ СУРАТГА ОПАДИ

(Давоми. Боши 2-бетда)
Уйда кўпинча ҳам суҳбат суратга олишдан бошланиб, шу мавзуда тугайди. Отаси ҳам Абдувоҳиднинг қилган ишлари билан қизиқадилар. Камчиликларини айтдилар.

Мухаммад АМИН.

Аёл дунени тебратар

ОНАМГА МАКТУБ

ёки ЗАМИРА СУЮНОВА БИЛАН МУСОҲАБА

Она, сиз қушиқни яхши кўрасиз. Биз — фарзандларингиз ҳам. Ҳаммамиз қушиқни яхши кўрдиги, аммо биттамаиз ҳам қушиқчи бўла олмадик. Буламиз деб отган (сўз) уқларимиз нишонга — юракка тегмади.

- Қушиқ дил дарди.
• Бу дунёда суйганим Сиз.
• Аёл-оиланинг пойдевори.
• Фарзандларим изимдан борсин

барсиз. Эшитишимча, узингиз ҳам шу даргоҳда ижодни бошлагансиз?..
— Бу даста ташкил топганидан буён шу ердаман. Аёл учун аёллар билан ишлаш яхшироқ. Ҳеч қачон қизларга раҳбарлик назари билан қарамайман.


КУМУШ БҮЛАЙ...

Кумуш бўлай қошингизда бош эгтали,
Изингиздан узок-узок термулғали,
Қайтишингиз эрта-ю кеч пойлагали,
Кумуш бўлай... Рози бўлинг, бек.

Сафия ДИЛХУН



РАССОМ ҲАЗИЛИ



Изоҳга ҳолат йўқ
Рассом: Саъдулла САДАНОВ

МАЖНУНТОЛ Қатра

Баҳор! Биз сени қанчаллик севдимизми, интизорингизор куттишимизни билмайсан. Бутун қиш буйи сенинг ораунг билан яшайми.

Оила ва муҳаббат

КЕЛИНЧАКНИНГ КЕЧИНМАЛАРИ

Тонглар қулиб отар, тонгларим сулув,
Бахтим, сен-ла утган оналарим сулув.
Армон ушалган жоналарим сулув.
Муҳаббат, муҳаббат, бунча ширинсан.

Ҳий бир оташ солган, бизни девонавор этиб, зор-зор бузлатган шу муҳаббат эмасми, ахир!?
Кувончи қалбимизга бетога қилган, қулдуларини угирлаган, ҳумор қуларимизни маъсум этган муҳаббат эмасми?
Азизларим юрагингизга қулқоқ солинг: унда она алласидек майин, тонги шабада мисоли ёқимли, гулак қулқосидек ширин бир қушқоқ оқмоқда. Бу ишққа, муҳаббатга ташна дил индоси эмасми?

Ҳаётнинг узига яраша қонунқоидалари бор. Дунё айланаверади, кимдир келади, кимдир кетади, кимдир тугилади, кимдир...
Бошлар урғайди, йилитлар қув, қизлар келин бўлишади...
Мен, мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўйган бир инсон, яна ҳам аниқроқ, келин сифатида баъзи фикрларимни баён этмоқчиман.

МУҲАББАТ МЕН БИЛАН

Муҳаббат нима ўзи? У қандай илоҳий оташки, тафтидана дилларга ўт тутагуси... У қандай илоҳий қудратки, қуйида левона бўлуси юрак...


Гулчехра ХОЛИМРОДОВА.

«Пахтакор — 79» хотира турнири


ГОЛИБЛАР НАРПАЙДА УЧРАШАДИ



колай Куликов юрти Янгиерда, буттур эса Владимир Собиоров ва Равиль Агишевлар ватани Бухорода мусобақанинг якуний беллашувлари бўлиб утган...



Болалигимда куча чағитиб юрготган футбол, бунинг эвазига катталардан куп маргалаб дакки эшитмаган бола ораимизда кам топилса керак...



уинларини хали хотирларидан учирмаган бўлишса керак. Бу ташаббус «АЕС» фирмасининг раҳбари Карл Алберс орқали амалга оширилган...

урф-одатлари хусусидagi билимларим этарди. Қолаверса, республика футбол базасини ҳам урганганман...

25 УСАМУЖА

Янгилик

БРИТАНИЯДА ИСЛОМ ФАКУЛЬТЕТИ

Британия ҳукумати илк бор Лондонда Ислам факультети очилишига розилик берди ва ушбу факультет қурилиши учун ер майлони ҳам ажратди.

Бу ҳақда Мисрининг Ал-Азхар университети ректори, доктор Абдул-Фаттох Аш-Шайх Лондонга қилган сафаридан қайтгач, хабар берди. Аш-Шайх у ерда Ислам дини вакиллари билан учрашиб, мазкур факультетни бунед этиш имкониятлари ҳақида ҳам гапашган.

Мама шунақа гаплар БИЛАСИЗМИ?

Оламнинг энг оғир аъзоси — тери. У катта ёшдаги кишиларда уртача 2,7 кг. ташкил этади. Энг оғир ички аъзо эса жигар. Унинг оғирлиги 1,5 кг. Юрак уртача 375 грамм тош босар экан.

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИ КИМ ҚЎРИҚЛАЙДИ?

1901 йилгача Америка президентларини ҳеч ким қуриқламаган. Уильям Мак Кинли улдирилгач, унинг уриига сайланган янги президент Рузвельтни махфий хизмат ходимлари қуриқлаб юришган.

Ҳозирги махфий хизмат ходимлари президентни қуриқлашдан ташқари вице президент ва унинг оила аъзоларини, Оқ уйнинг бошқа раҳбарларини, собиқ президентларни, уларнинг аёлларини, бевадаларини, вояга етмаган фарзандларини, сайлов даврида президентликка асосий даъвогарларини, АҚШга келган давлат раҳбарларини ҳимоя қилишади.

Ҳозирда махфий хизмат ходимларининг сони 4 мингдан ортди.

Хоҳ шонини, хоҳ шонманни ЗҮР-КУ-А?!

Ун, мевали нон, арқон ва каноп, уйларнинг томини ёпадан материал, туқилган карзина ва мебель — буларнинг ҳаммасини фақат биргина усимлик Эфиопияда усадиган — ёввойи банандан олса бўлади. Ёввойи банан деб номланувчи бу усимликни деярли ҳар бир деҳқоннинг уйда учратиш мумкин.

Билиб қўйинг!

ҚАРИМАЙ ДЕСАНГИЗ...

Қоҳирада ўтказилган халқаро анжуманда кексайиш касаллиги овқатланиш тартиби билан жуда боғлиқ эканлиги яна уз исботини топди. Мисрдаги Хелван университети дориншуолик факультети декани Субхий Саддининг айтишича «Г» ва «Д» витаминлари бой бўлган сабзи сингари, апельсин тусидаги мева ва сабзавотлар атеросклероз, рак, бугинлардаги суоқлик қуриб, ҳаракатнинг чекланиши, «оқ сув» хасталиги ва терига ажин тутиши ҳамда тери тиришишини бартараф этар экан.

Бу борада Англияда 40000 бемор усуда олиб борилган тажрибалар шуни курсатадики, юқоридаги турдаги сабзавот ва меваларни 4 йил давомида истеъмол қилган кишиларда қариллик хасталигига чалиниш 56 фоизга каймаган. Бу эса илмий жиҳатдан юқори натижа бўлиб, уларда на ажин, на бугин суоқлигининг емирилиши, на ҳаракат чекланиши кузатилди.

ЁҚИМТОЙ БҮЛАЙ ДЕСАНГИЗ...

Тери касалликлари буйича мутахассис доктор Али Шарбан Сан-Францискода бўлиб утган Америка тери касалликлари академиясининг йиллик йнгилишида шакарқамилнинг альфагидроксиол ксилоталар мажмуасига бойлиги, айниқса, уларнинг ичида «Глилайколик» кислотаси ута муҳим бўлиб, у сунги йилларда пардоз-андоз махсулотлари сановатида кенг қуламада қуллашилётганини маълум қилди.

Келинг, бир қилишайлик ТЕНТАК ВА ЖИННИ

Афанди тегиримонда бугдой тортириш учун навбат кутиб турар эди. Туриб-туриб зердики. Сунг бошқа қоллардан узининг қопига бугдой сола берди. Тегиримончи сурди:

- Нима қилиясиз, узи?
- Мен шунақа тентакман! — деди Афанди.
- Тентак бўлсангиз, нега уз қопингиздан олиб бировларниқига солмайсиз? — сурди тегиримончи.
- Бунинг учун гирт жинни бўлиш керак, — дея жавоб берди Афанди. — Мен эса бор-йўги тентакман.
...
- Келинг, «хайвонот богода» уйинини уйнаймиз, — деди болакай онасита.
- Хўп. Лекин қандай?
- Бу жуда осон. Мен маймун бўламан, сиз эса мени енгоқ ва пириликлар билан сийлайсиз.
Хизматуллоҳ тайёрлаган



Бешиқдан бошланур асли бу ҳаёт. А.ТҮРАЕВ сурати

Гарфия саҳнада яна бахтиёрлар
ЧҮМИЛИШ 7020
ДОЛЛАРГА ТУШДИ
Исиқ чилба бўлмас ҳолда, термометрнинг симоб усунги 45 даражани курсатарди. У билан ена-ен эса сувга лиммо-лим тулдирилган бемор ҳовузданда еқими салқин эсарди. Ботсанда йул қурилишида ишлатган жанубий африкалик муҳандис Марк Рипшоннинг қурилишга ишתיки баланд эди. У ўйлаб ўтирмадан сувга тушибди. Аммо ванна «Белини тешиб қилди»...

КЕЛҲУКИ СОНДА
Хизматингизда — тунги дўқонлар
Ҳаёт билан учрашув

«НОРТОЙНИНГ УКАСИ»

У катта йигит бўлиб қолди. Жалоул Юсупов «Чинор остидаги дуэль» фильмида Нортоийнинг укаси Зокир ролинни ижро этганидан кейин яна бир қанча фильмларда рангбаранг образлар яратди. Ҳозирги кунда эса у Рус еш томошабинлар Драма театрида актёр бўлиб ишламоқда.



Жалоул, мухлисларингиз «Чинор остидаги дуэль» ва «Суюнчи» фильмларида яратган образларининг ҳамон мароқ билан томоша қилишади. Айниқса, «Чинор остидаги дуэль» фильмидаги ижроинигиз купчиликка манзур бўлган. Айтингчи, «Нортоийнинг укаси» кейинги вақтларда кино экранларида нима учун қуримай қолди?
— Очигини айтсам, узим ҳам ҳайронман. Мактабни битирганимдан кейин мени кинога умуман чақирмай қўйишди. Лекин узимни барибир бахтли актёр деб ҳисоблайман. Сабаби, мактабда ўқиб юрган даврларимдаёқ 9 та фильмда роулар уйнадим.
— Кинога борган вақтингизда неча ешда элингиз?
— 1977 йиллар бўлса керак, мен 8 ешли усмир эдим. Режиссер Ахрор Акбархўжаев «Тиниқ булоқ» фильмидаги Али ролинга мени таклиф этдилар, шундан сунг кинодаги фаолиятим уз-узидан юрилиб кетди. Мелис Абзаловнинг биринчи фильми «Чинор остидаги дуэль»да Зокир, Элвурда Хачатуровнинг «Ринта чақирилди» фильмидаги Руфат Рисқиевнинг ешлиги, марҳум режиссер Юрий Степучкиннинг «Хаво шедалари» фильмидаги Маҳкам, Мелис Абзаловнинг «Суюнчи» фильмидаги Турсунбой образларини кинода яратишга муваффақ бўлибди. Бундан ташқари Шуҳрат Аббосовнинг «Оловли йулдар», Элвурда Хачатуровнинг «Хар учинчи» фильмларида эпизодик роуларни ижро этганман. Очиги, актёрлик фаолиятимда кинонинг мента ердими беқисс бўлди, деб айтишим мумкин.
— Кинода роулар уйнаган вақтингизда қуллаб атоқли санъаткорлар Хамза Умаров, Гани Аъзов, Хусан Шариповлар билан ена-ен ижод қилгансиз. Бу устоз санъаткорларнинг ижодингизга таъсири қандай бўлган?
— Балки шу санъаткорларимиз билан бирга ишлаб, уларнинг маҳоратидан баҳраманд...

Бош муҳаррир Гаффор ҲОТАМОВ
Туркистон
Газета 1925 йил 8 февралдан «Енг легиончи» номи билан чиқа бошлаган

Таъсис етувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
Газета 1925 йил 8 февралдан «Енг легиончи» номи билан чиқа бошлаган

ТАҲРИРИЯТ:
Хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ешлар сийсати-ҳаёт ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ишлар — 32-57-52; иктисод, қилпоқ, ешлар спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадий безаш — 32-53-98; қабулхона — 32-56-58

МАНЗИЛИМИЗ:
Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Қулъемалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил етилмайди.